

Жаннатда ейиш, ичиш қандай бўлади?



12:00 / 09.05.2021 2426

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Жаннат аҳли у ерда (жаннатда) ейди, ичади, туфламайди, бавл қилмайди, ахлат чиқармайди, бурун қоқмайди». «Еган таомлари нима бўлади?» деб сўрашди. У зот: «Хушбўй кекирик ёки хушбўй тер билан (чиқиб кетади). Уларга тасбеҳ ва ҳамд айтишта илҳом берилади».

Бошқа ривоятда:

«Тасбеҳ ва такбир айтишга илҳом берилади худди нафас олишга илҳом берилганидек», дейилган.

Муслим ривояти.

Абу Қалоба: «Уларга таом ва шароб келтирилади. Бунинг охирида (яъни, еб-ичиб бўлишгач) уларга бир шароб берила-ди. Уни ҳам ичадилар ва шу сабабли уларнинг қоринлари бўшаб, таналаридан мушкдан-да хушбўйроқ тер оқиб чиқа-ди», деди ва ушбу оятни ўқиди: **«...Ва Парвардигори уларни ниҳоятда покиза шароб-ла суғоргандир»** (Инсон сураси, 21-оят).

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Эй Расулуллоҳ, жаннат аҳли ухлайдими?» дейишди. У зот: «Йўқ, уйқу ўлимнинг биродаридир. Жаннатда ўлим йўқ», дедилар.

Доруқутий ривояти. Аллоҳ билгувчироқ.